

# ШАРТНОМА

Андижон ш.

№ 7

2022 йил «06» июль

Биз ким шартнома тузиб, имзо чекувчилар, бир томондан "Gavhar Gold Tex" МЧЖ номидан унинг рахбари Г.Асқарова келгусида «Сотувчи» деб номланади ва иккинчи томондан Андижон вилояти мусиқали драма театри номидан директор в.в.б. З.Хайдарова келгусида «Харидор» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "СОТУВЧИ" келишилган махсулотни "ХАРИДОР" га сотади. "ХАРИДОР" эса харид қилган махсулот қийматини ўз муддатида тўлаш мажбуриятини олади.

№	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати ҚҚСсиз (сўм)
1	Давлат буюртмаси асосида сахналаштирилиши режалаштирилган М.Шайхзоданинг "Мирзо Улугбек" спектакли учун махсус сахна либослари тикиб бериш хизмати. либос турлари керакли нарсалар илова килинган буйича булиши керак.	Комп	1	81200000	81200000
<b>ЖАМИ:</b>					<b>81200000</b>

1.2. Шартноманинг умумий суммаси: 81200000 (Саксон бир миллион икки юз минг) сўмни ҚҚСсиз ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Хисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, маблағ 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасини 30%и яъни 24.360.000 (Йигирма тўрт миллион уч юз олти миш минг) сўмни олдиндан аванс тариқасида «Сотувчи»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70%и 56.840.000 (Эллик олти миллион саккиз юз қирқ минг) сўмни «Сотувчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб варақ фактуралари асосида маблағ 5 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. «Харидор» томонидан 30% олдиндан амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Харидор»га етказиб беради.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 «Сотувчи» куйидаги хуқуқларга эга.

- Етказиб берилган товар махсулоти олдиндан ҳақ тўлаши ва тегишли қонун ҳаражатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб қилишни бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотини қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилиши зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

3.2. «Сотувчи» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотини мазкур шартномага асосан ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 4.5. бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;

- Агар товар махсулотини етказиб борувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйган бўлса бюджет ташкилотнинг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул тузатиб бериш;

3.3. «Харидор» нинг хуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома асосида бериладиган буюртмага мувофик тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотини етказиб беришини талаб қилиш,
- Бахосини мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

3.4. «Харидор» мажбуриятлари :

- Ўз буюртмаси буйича етказиб берилган товар махсулотини мазкур шартномага мувофик қабул қилиш;

3.5. Шартномада кўрсатилган нархлар бозорда нарх наво ўзгариши ҳисобига ўзгартирилади.

#### 4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. «Харидор» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 4.4. «Харидор» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотини қабул қилишни рад этишга ҳақли.
- 4.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Харидор»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича қабул қилинади.
- 4.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Харидор»нинг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.
- 4.7. «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»нинг буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 – кун олдин хабардор қилади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1 Етказиб бериладиган товар махсулоти сифати, миқдори «Сотувчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундириш ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» етказиб берилаётган товар махсулотининг сифатини шунингдек миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Харидор»га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 % миқдорида пеня тўлайди.
- 5.2 Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларга намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган товар махсулот қийматининг 20% миқдорида пеня тулайди.
- 5.3. Товар махсулот етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилмаганлиги учун етказиб берувчи берувчи «Харидор»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак булган товар махсулотининг 25% миқдорида пеня тулайди. Жаримадан ташқари «Таъминотчи» «Харидор»га товар махсулот етказиб бермаслиги натижасида аниқланган зарарни тўлайди,
- 5.4. Товар махсулотини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Харидор»га кечиктирилган хир бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдоридда пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот қийматиинг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.5. Етказиб берилган товар махсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Таъминотчи» «Харидор»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида пеня тулайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқоролик қонунчилиги нормаларига мувофик қўлланилади.

#### 6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонларнинг келишмовчиликлари ва низоларни хал этиш, бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 6.3. Шартнома бузилиб, ўзаро келишилган тақдирда Ўзбекистан Республикаси қонунлари асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

### 7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

- 7.1. Агарда бир томондан шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.  
7.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.  
7.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жихатидан тенг кучли ҳисобланади.


### 8. ШАРТНОМА МУДДАТИ

- 8.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.  
8.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқ жихатидан тенг кучли ҳисобланади.

### 10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ.


#### «СОТУВЧИ»

Номи: "Gavhar Gold Tex" МЧЖ  
Манзили: Олтинкўл туман, Чаққон-2 МСГ. Маърифат кўчаси, 398-уй  
Ҳисоб рақами: 20208000905515421001  
Банк номи: ДАТ "Ўзмиллий банк" Андижон бўлими  
МФО: 00074 ИНН: 309461931  
ОКОНХ:

Рахбар:  Аскарова





Юрист

 А. Ҳузарева

#### «ХАРИДОР»

Номи: Андижон вилояти мусикали драма театри  
Манзили: Андижон ш. А.Фитрат кўчаси 230-уй  
ШХВ: 400121860034017082600056001  
СТИР: 200237119, ХХТУТ: 93611  
Ўзбекистон Рес. молия вазирлиги Ҳазначилиги  
Ҳазна х/р : 2340 2000 3001 0000 1010  
МБ ББХКМ Тошкент шаҳар  
МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар:  В.Хайдарова



М.У.